

Марказлашган иситиш тизимини жорий этиш бўйича семинар ўтказилди



Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан ижтимоий соҳа обьектларини куз-қиши мавсумида барқарор иситиш мақсадида марказлашган иситиш тизимларини давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада Термиз туманида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Бугун тумандаги 4-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида ушбу тизимни барча ижтимоий соҳа обьектлари, мактаб ва боғчаларда жорий этиш масалаларига бағишиланган семинар ўтказилди. Туман ҳокими Шухрат Назаров раҳбарлигига ўтказилган семинарда мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари ва алоқадор масъуллар иштирок этишди.

Семинарда давлат-хусусий шерикчилик асосида кафолат муддати 15 йил бўлган, кўмир сарфи ва бошқа харажатлари кам бўлган янги типдаги марказлашган иситиш тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш тартиблари мутахассислар томонидан батафсил тушунирилди.

Семинар давомида мутасадди раҳбарларга марказлашган иситиш тизимларини жорий этиш масалалари юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилди.